


Обуна индекси – 1323



## МУНДАРИЖА

<b>З.М.Исломов.</b> “Икки жаҳон қуёши” нинг ёшлар тарбиясидаги ўрни .....	3
<b>Г.Н.Наврӯзова.</b> Тириклик – тинчлик ва хотиржамлиқдир .....	6
<b>Н.Мухамедов.</b> Ҳазрати Имом Қаффол Шошийнинг давлатлар ўртасида тинчлик муносабатларини тъминлашдаги ўрни .....	11
<b>Р.Б.Матибаева, Л.К.Рысбекова.</b> Ислам: ценности добра и мира в контексте исторических и современных реалий .....	17
<b>С.Н.Джураева.</b> Китоб туманидаги тасаввуф вакиллари номлари билан боғлиқ зиёрратгоҳлар.....	22
<b>З.Дж.Арипова.</b> Миср мамлуклари даврида бағрикенглик .....	27
<b>Д.О.Раҳимжонов.</b> Мовароуннахр уламоларининг ҳадис илми ривожига кўшган ҳиссаси.....	32
<b>Ш.Бобоҷонов.</b> Бухоро воҳасида “Етти пир” этимологиясининг шаклланиши .....	37
<b>М.Алимова.</b> Имом Доримиининг ислом илмлари ривожида тутган ўрни .....	41
<b>З.Нажмиддинов.</b> Хоразмлик фақиҳ Мухтор аз-Зоҳидий ва унинг ҳанафий фиқхи ривожида тутган ўрни.....	48
<b>A.Turgunova.</b> Islom dinida keksalikning maqomi: tajriba va tarbiya metodlaridan foydalanish.....	53
<b>Н.М.Мулласодикова, З.Н.Шокирова.</b> “Фотиха” сураси оятларининг балоғати .....	57
<b>Sh.Avazova.</b> Islom huquqida fiqhiy qoidalarning ishlab chiqilishi va ularning ahamiyati .....	61
<b>С.У.Примов.</b> Имом Абу Ҳанифанинг қадарийларга раддиялари.....	66
<b>Н.К.Ибрагимова.</b> Илк ислом даври ҳалқаро муносабатларида тинчлик ғоялари .....	71



## Муассислар:

Дин ишлари бўйича кўмита,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси,  
Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси

Бош муҳаррир:  
Уйғун ГАФУРОВ

Нашр учун масъул:  
Иродоҳон ГАФУРОВА

Таҳрир ҳайъати:  
Нурислом ТУХЛИЕВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Аҳаджон ҲАСАНОВ  
Матлуба КАХХАРОВА  
Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ  
Иродоҳон ГАФУРОВА

Жамоатчилик кенгаси:  
Содик ТОШБОЕВ  
Нематулло МУХАМЕДОВ

Муҳаррир:  
Дурбек РАҲИМЖОНОВ

Рус ва инглиз тили муҳаррири:  
Разия МАТИБАЕВА

Бадиий муҳаррир:  
Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига  
2018 йил 17 сентябрда рўйхатга олинган.  
Гуваҳнома рақами - 0968.  
Йилда ўн иккита сонгача нашр этилади.  
Нашр кўрсаткичи - 1323.  
ISSN 2181-9572

Таҳририят манзили:  
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-үй.  
Тел./факс: (+99871) 244-00-91  
E-mail: islomtafakkuri@iiau.uz

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича  
кўмитасининг 02.10.2024 йилдаги  
03-07/5945-сонли хulosasi асосида тайёрланди.

Кўлёзмалар қайтарилмайди.  
Мақолалар кўчириб босисла ёки иқтибос  
олинса, «Ислом тафаккури» журналидан  
олингани кўрсатилиши шарт.  
Журнал саҳифаларида Аллоҳ таоло исмлари,  
Куръони карим оятлари ва ҳадислар бериладиган сабабли  
уни ноҳоиз жойларга ташламанг.

Журналдаги мақолаларда берилган маълумотларнинг  
тўғри ва оригиналлиги учун муаллифларнинг шахсан  
ўзлари масъудирлар.

Босишига 16.04.2023 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида  
босилди. Шартли 32,6 б.т. Буюртма:  
Адади 100 дона.

Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., А.Қодирий кўчаси, 11-үй.

<b>O.Мұхаммадиев.</b> Исломда тинчлик ва бағрикентгілік масалалари .....	75	<b>F.Z.Kholmuminov.</b> Құддус – исломнинг тинчлик рамзи .....	145
<b>I.M.Gafurova.</b> History of orthodoxy and attitude to it in Turkestan .....	79	<b>Ф.Худойназаров.</b> «Шамоил ал-Мұхаммадия» асарыга ёзилған шархлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	149
<b>S.S.G‘aybullayev.</b> O‘zaro ixtilofli hadislarni tushunish qoidalari .....	83	<b>У.Жўраев.</b> Исломда тинчлик тушунчаси: назарий асослари ва аҳамияти .....	154
<b>N.Shoaliyeva.</b> Islom rahmat dinidir .....	88	<b>G.A.Qamariddinova.</b> Bahouddin Naqshband asoslagan rashhalarda ezgulik masalalari .....	157
<b>О.Эриазаров.</b> Маданиятларо мулокотни шакллантиришда ислом маърифатининг ўрни: Япония мисолида .....	92	<b>J.A.Turdimirzayev.</b> Sohibqiron Amir Temur va Shohruh Mirzoning ilm-fan taraqqiyotiga qo‘sghan hissasi .....	160
<b>A.Пардаев.</b> Калом илмининг тарихий асослари .....	98	<b>М.М.Кадырова.</b> Ислам – религия добра и мира .....	165
<b>Ш.Р.Тоҳтиев.</b> Особенности шиитских общин Узбекистана (Из истории самаркандских и бухарских «ирони»).....	102	<b>Ж.Н.Халилов.</b> Ёғочга битилған санъат .....	170
<b>S.Djumanov.</b> Yangi O‘zbekistonda allomalar ilmiy merosini o‘rganish bo‘yicha amalga oshirilgan tadbirlar .....	106	<b>Ў.Р.Равшанов.</b> Бухоро хусайниялари тарихидан.....	175
<b>Д.К.Сагдуллаева.</b> “Ислом” лексемаси семантик майдонининг маъно хусусиятлари.....	111	<b>R.Hamroulova.</b> Qur’oni karimdagı ibratlı qissalar .....	179
<b>E.X.Zoyirov.</b> Ya’qub Charxiy ta’limotida piri-murshid tushunchasining falsafiy tahlili .....	115	<b>М.А.Жаҳонгирова.</b> Конфессияларо мулокот ва диний бағрикентгілік тамоиллари .....	182
<b>М.М.Ағзамова.</b> Ислом динининг асосий манбаларида тинчлик масаласининг ёритилиши .....	119		
<b>A.Akmalxonov.</b> Islom – ezgulik va tinchlik dini .....	123		
<b>Ш.Р.Жўраев.</b> Исломнинг эзгулик моҳияти: куръон ва суннатда тинчлик масаласи.....	126		
<b>С.Х.Умматалиев.</b> Аҳмад Балозурӣ ҳаёти ва илмий фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.....	130		
<b>Л.Азимова.</b> Ўзбек мумтоз адабиётида инсонпарварлик ғояларининг бадиий талқини.....	135		
<b>A.M.Abdupattayev.</b> Muhammad Shahristoniying diniy bag‘rikenglik prinsipi .....	140		

ISSN 2181-9572



ДЖУРАЕВА Санабар Нурматовна,  
Ўзбекистон Миллӣ университети  
тарих фанлари доктори  
E-mail: [sanabar.djuraeva@bk.ru](mailto:sanabar.djuraeva@bk.ru)

КИТОБ ТУМАНИДАГИ  
ТАСАВВУФ ВАКИЛЛАРИ  
НОМЛАРИ БИЛАН БОГЛИҚ  
ЗИЁРАТГОҲЛАР

СВЯТЫНИ КИТАБСКОГО  
РАЙОНА, СВЯЗАННЫЕ С  
ИМЕНАМИ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ  
СУФИЗМА

SHRINES ASSOCIATED WITH THE  
NAMES OF REPRESENTATIVES OF  
SUFISM IN KITAB DISTRICT

**Аннотация.** Мазкур мақолада Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, қадимги диний тасаввурлар, маҳаллий аҳоли орасидаги турли диний қараашлар билан боғлиқ культлар (санам, уй хўжалиги воситалари) янги дин шакли билан қоришиб аҳоли ҳаётида регулятор (бошқарувчи) вазифасини бажарганлиги, суфийлик авлиёлар культигининг шаклланишига омил бўлганлиги, яъни ўзининг тақвоси, билими билан машҳур бўлган тасаввуф вакиллари (муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин ҳам авлиё сифатида ҳурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари ибодат, зиёрат обьектига айланганлиги тасаввуфчи олимлар: Хўжса Нематулла Валий ва Ҳазрати Башир зиёратгоҳлари мисолида илмий фактлар билан асослаб берилган.

**Калим сўзлар:** тасаввуф, культ, суфий, аллома, авлиё, шайх, пир, муршид, эшон, зиёратгоҳ.

**Аннотация.** В данной статье на основе научных фактов продемонстрировано, как после проникновения ислама в Центральную Азию древние религиозные представления и культы местного населения (связанные с сакральными предметами, домашними обрядами и т.д.) переплелись с новой религией. В результате этого синтеза возникли

особые формы религиозной практики, которые стали регуляторами жизни населения. В статье показано, что суфизм сыграл ключевую роль в формировании культа святых в регионе. Представители суфизма, известные своей праведностью и мудростью (муршиды, шейхи, пирсы, ишаны), почитались как святые, при жизни и после смерти. Их могилы стали объектами поклонения и паломничества. В качестве примера авторы приводят святыни известных ученых-суфиев Ходжи Нематуллы Вали и Ҳазрати Башир, которые демонстрируют влияние суфизма на формирование культа святых в Центральной Азии.

**Ключевые слова:** суфий, культ, ученый, святой, шейх, пир, муршид, ишан, святыня.

**Annotation.** This article uses scientific evidence to demonstrate how, following the arrival of Islam in Central Asia, ancient religious beliefs and cults of the local population (associated with sacred objects, household rituals, etc.) intertwined with the new religion. This synthesis resulted in unique forms of religious practice that regulated the lives of the people. The article highlights the role of Sufism in shaping the cult of saints in the region. Sufi figures known for their piety and wisdom (murshids, sheikhs, pirs, and ishans) were venerated as saints both during their lifetime and after death, their tombs becoming sites of worship and pilgrimage. The authors cite the shrines of renowned Sufi scholars Khoja Nematullah Wali and Hazrat Bashir as examples of how Sufism influenced the development of saint veneration in Central Asia.

**Keywords:** Sufi, cult, scientist, saint, Sheikh, pir, murshid, eshan, shrine.

## КИРИШ

Қадимда Марказий Осиё ҳудудига ислом дини кириб келгунига қадар маҳаллий аҳоли орасида турли диний қараашлар билан боғлиқ культлар (санам, уй хўжалиги воситалари) мавжуд бўлган. Ўлкада ислом дини қарор топганидан сўнг қадимий диний тасаввурлар ва уларнинг маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзидаги кўринишлари жиддий ўзгаришларга учраган. Улар янги дин шакллари билан қоришган ҳолда аҳоли ҳаётида регуляторлик (бошқарувчилик) вазифасини бажариб келган.

Француз олими Д.Сурдель исломдаги муқаддас культлар, зиёратгоҳлар ва уларга ташриф масаласида фикр билдириб, диний ритуаллар, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш маҳаллий шомонлик анъаналари билан интеграциялашганини, бу янгилик халқлар

орасида тарқалиб кетгандан сўнг каноник амалиёт сифатида қабул қилинганини таъкидлайди [1:70].

Этнолог олим С.Н.Абашин ҳам ўз тадқиқотларида буни тасдиқлаб, Марказий Осиёда суфийлик авлиёлар культигининг шаклланишига хисса қўшган омил эканлигини келтиради. Яъни, ўзининг тақвоси, чуқур билими билан машхур бўлган тасаввуф вакиллари (муршид, шайх, пир, эшонлар) ҳаёти давомида ёки вафотидан кейин ҳам авлиё сифатида хурматга сазовор бўлиб, уларнинг қабрлари ибодат, зиёрат объектига айланган [2:128-131].

Бундан кўринадики, суфийлик тариқатлари гуллаб-яшнаган даврда азиз авлиёларнинг қадамжолари, мозорларини зиёрат қилиш кучайган. Шу билан бирга исломдан олдинги қадимий эътиқодлардан қолган муқаддас ерларни эъзозлаш ҳам урфга кирган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти худудидаги асосий шаҳарларни Қарши, Шахрисабз, Китоб, Косон, Яккабоғ ташкил этиб, ҳар бир худуднинг ўз топонимикаси, тарихи, географияси, афсона ва диний қарашлари билан боғлиқ тарихий ва маданий манзилгоҳлари бўлган. Улар ўзида аллома ва авлиёларнинг шахси, насли, улар яшаган давр билан боғлиқ тарих, ислом оламида ёки умуман илм-фан йўлида уламолар қолдирган меросни жамлаб, ҳалқимиз миллий ва маънавий қадриятларининг мухим элементи сифатида асрраб келинмоқда.

VII асрда ислом дини таъсирида вужудга келган тасаввуф таълимоти фаол ижтимоий ҳаётдан воз кечиши орқали Худо билан ўзини бирлаштириш ва ҳақиқатни англашга йўналтирилган. Суфийликка эришиш шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини амалга оширишни назарда тутади. Ўзини суфийлик йўлига бағишлаб, юқори даражага эришганлар пир (валий), дарвеш мақомига кўтарилиган, улар ҳаётлигига ёки азиз шахсга айланган [3:54-56]. Шу ўринда Қашқадарё вилоятида ҳам тариқат вакиллари, пир-муршидлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.

Қашқадарё вилоятида Китоб тумани марказидан 23 километр узокликдаги Муғул

кишлогининг шимолий қисмида Нематуллоҳ Валий зиёратгоҳи жойлашган. Ҳалқ орасида у киши Ҳўжа Нематуллоҳ (1330- 1431) ҳам деб аталиб, суфий, шоир, неъматуллоҳий тариқати асосчиси хисобланади. Шоҳ Сайд Нуриддин Нематилло ибн Мир Сайд Абдуллоҳ ибний Абдуроҳмон (1330-1431) ислом дини соҳасида забардаст олимлардан [4:357].

Неъматуллоҳ Валий суннӣ-шофий бўлиб, ўз шажарасини шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад Бокир орқали (21 бўғимда) Муҳаммад (с.а.в) га етказган. Ироқда, сўнгра Маккада Шайх Абдуллоҳ Ёғеий (1298-1367) қўлида таҳсил олган. Ироқ, Миср, Табриз, Ардабил, Мовароуннаҳрда бўлган, туркий қабилалар орасида исломни фаол тарғиб килиб, ёйган. Ўзининг зоҳидона турмуш тарзи билан ҳалқ орасида шуҳрат қозонган. Тасаввуфдаги “Неъматуллоҳия” йўналишининг асосчисидир. Бу таълимот ислом оламида Накшбандия таълимоти каби машхур бўлиб, пир ва муршидликка асосланган [5:251-266]. Ҳозир ушбу таълимотга қисман Марказий Осиё, Хиндистон, Покистон ҳалқлари амал қиласи.

У киши Шом вилоятининг Ҳалаб шаҳрида туғилган. Ироқда ўқиган, сўнгра 24 ёшларида Ҳаж зиёратига бориб, Макка шаҳрида Шайх Абдуллоҳ Ёғиий (1298-1367) га мурид бўлган [6:178-179]. Амир Темур Кўрагонийнинг пири Мир Сайд Бараканинг укасидир. Сайд Нематилло араб ва форс тилларида ҳар хил маънолар ёритилган 544 та ёзишмалар битган, улардан 110 таси бизгача етиб келган. Бундан ташқари у 1541 та ғазални ўзида жамлаган катта Девон тузган. Мазкур илмий мерос Ироқ ва Кермонда (Эрон) Амир Сайд Нуриддин Нематилло номи билан 4 марта нашр этилган [7:19]. Неъматуллоҳ Валий таълимотида араб тасаввуфи (Аҳмад Шозилий ва Абу Мадён), Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд таълимоти, Нажмиддин Куброғоялари ва Хожагон тариқати қарашлари уйғунлашиб кетган. Суфийлик тажрибасида у Жунайд ва Абу Язид Бистомий йўлидан борган. Хунарманд ва дехконларни мадҳ этган [4:358].

Манбаларда келтирилишича Нематуллоҳ Валий Ироқ, Маккан мукаррамада илм ўрганган. Иршод бериш даражасига етгач 35-45 ёшларида Самарқандга келади. Бу даврда Амир Темур энди Самарқанд таҳтига ўтирган

эди. Амир Темур Нематуллох Валий билан учрашиб, унга кўп хурмат-иззат кўрсатган [5:254-256]. “Зафарнома”да келтирилишича, Амир Темур Амир Ҳусайн устига кўшин тортиб, Термиз шахри яқинида тўхтаб турганда Мир Сайид Барака ва укалари Сайид Нематуллох подшоҳлик рутбасини белгиловчи аълам ва ногорани Соҳибқиронга топширадилар. Шундан сўнг у Амир Темур ёнида бўлиб, барча ишлари ва машваратларида иштирок этган [6:179]. Ҳиротдан кетгач Язид, Шерозда истиқомат қилиб, сўнг Кермон шахрида яшаб қолган.

Нематуллоҳийлар шиаликдаги суфийлик тариқати тарафдорларидир. Шоҳруҳ Мирзо (хукмронлик даври 1405-1447) Нематуллоҳийлар ва уларнинг пири Нематуллоҳ Валийни ўз паноҳига олган. У Самарқанд, Ҳирот, Язид ва кўпроқ Кермонда яшаб қолган, у ерда хонақоҳ ва масжид курдирган. Амир Темурнинг ака-указа ажратган мулкини 25 йил бошқариб, муқим яшаб қолади. 1431 йилда Кермоннинг Моҳон қишлоғида вафот этади ва шу ерда дағн этилади [4:358]. Кейинчалик алломанинг қабри устига юксак макбара қурилади ва ҳозирга қадар катта зиёратгоҳ ҳисобланади

XVI асрда Эронда шиалик хукмрон мафкурага айлангач, Нематуллоҳийлар тариқати кенг тарқалиб, асосан шаҳарнинг савдо-хунарманд доираларини ўзига жалб этган. Нематуллоҳийлар сиёсий фаолияти давлатнинг ички ҳаётига таъсир кўрсатиши билан бошқа тариқатлардан ажралиб турган. Тариқат вакиллари Ҳиндистонда ҳам мавжуд бўлган. Нематуллоҳийлар XIX аср ўрталарида кўплаб гурухларга бўлинib кетган. Унинг тарафдорлари ҳозир Эронда ҳам бор.

Сайд Нематуллоҳ Китоб тумани Муғул қишлоғида б йил яшаган. Нематуллоҳ Китоб шаҳрига бориб, шаҳар ҳокими Имомиддин Ҳамза ал-Ҳусайн Ҳарвонийнинг қизига уйланадилар. У кишининг каромати билан Ҳазрати Султон Сайид Аҳмад Башир Ҳазратлари дунёга келади [6:179].

Темурийлар авлоди вакиллари томонидан ислом йўлида хизмат қилган олим, уламо, авлиёларга хурмат маъносида сафана ва қурилиш ишлари олиб борилган. Нематуллоҳ Валий Муғул қишлоғида яшагани, тасаввуф тариқатидаги мавқеи, маҳаллий аҳоли билан

пир ва мурид алоқалари туфайли у кишига шу кишлоқда рамзий қабр килинган. Жумладан, Шоҳруҳ Мирзо Китоб тумани Муғул қишлоғида Нематуллоҳ Валий (1330-1431) номи билан боғлик олти бурчакли мақбара курдирган [8:].

Қабр устига кўйилган тош ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Маҳаллий аҳоли ташаббуси билан 2013 йил мақбара таъмирланиб, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди.

Ҳазрати Башир зиёратгоҳи Китоб шаҳридан 30,5 километр шимолий-шарқда Хабаш ва Кўл тоғлари оралиғидан оқиб ўтувчи Қашқадарё соҳилидаги Ҳазрати Башир қишлоғида жойлашган [9].

Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири Ҳазрати Султон Сайд Аҳмад Башир Ҳазрати Баҳовуддин Балогардон бўлиб, у киши ислом оламида «Мири Ҳақиқат» мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир (1368-1464) Амир Темур Кўрагонийнинг пири Сайид Бараканинг укалари Сайид Нематуллоҳнинг кароматлари, дуолари туфайли оламга келган. Ҳазрати Баширнинг оталари Шайх Ҳожа Ҳасан ота 1278 йилларда дунёга келганлар. Бошланғич таълимни ва суфийлик илм сирларини оталари Шайх Ҳусайн ибни Мансур Албайзовидан ўрганиб, суфийлик тариқати асосчиларидан бири бўлиб етишганлар. У киши Амир Темурнинг пирлари бўлган Сайд Мир Барака, Сайд Мир Нематуллоҳ ва Амир Темурлар билан бир даврда яшаганлар [10:12]. Оталари Ҳўжа Ҳасан 90 ёшда, оналари Биби Малокат 80 ёшда бўлганларига қарамай, фарзандлари бўлмаган. Бола туғилгач, унга Сайд Аҳмад, деб ном кўйишган. Оналари Биби Малокатдан сут келмагач, ёш Сайд Аҳмад сутсиз вояга етган. Шунинг учун номларига Башир (Бешир сутсиз дегани) таҳаллуси қўшиб айтилган. Сайд Аҳмаддан кейин оналари яна Сайд Али ва Ҳожа Аҳмад исмли икки фарзанд кўради [11:178-179].

Ҳазрати Башир ёшлигидан (18 ёшдан) Қуръони Карим ва бошқа китобларни ўқий бошлайди. Ҳазрати Шайх Бузрукворнинг тариқатларида суфийликда учрамайдиган раксу ва само усули бўлган. Рақсу само Имоми Шофий мазҳабида учрайди. У киши зикр қилиб раксу самога усталик билан тушгалар [12:30].

Ҳазрати Башир салоҳият эгаси бўлиб, у кишининг таърифларини эшитганлар мусулмон оламининг турли бурчакларидан

шогирд тушиш учун келганлар. Булар орасида Усмон Туркестоний, Шахрисабзлик Шайх Шамсиддин, Шайхи Поянда, Саид Али, Дарвеш Мухаммад Кодубоз, Сайд Мухаммад Шахбозий Ҳақиқат, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мавлоно Исмоил, Мавлоно Аминуддин, аёллардан: Биби Робия, Биби Соҳиба, Ҳазрати Бузрукнинг завжай ҳалоллари Биби Фотима, Биби Баҳт Султон, Биби Дурсултон, Биби Туркона, Биби Хованд Султонлардек улуғлар бўлган. Буларнинг аксарияти Ҳазрати Башир қишлоғида дағн этилган. Ҳазрати Башир Ҳазрати Баҳовуддин Балогардондан кейин ислом оламида Накшбандия таълимотида ёркин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири бўлган, «Мири Ҳақиқат» мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир 1464 йилда оламдан ўтадилар. У киши Башир қишлоғидаги Ниёзтепада дағи этилади [12:31].

Ҳазрати Башир қишлоғида XV аср ёдгорлиги бўлган Ҳазрати Башир сағанаси қўйилган бўлиб, у катта масжид ва мақбарани ўз ичига олади. Бу сағана Ўзбекистоннинг ноёб меъморчилик ва амалий санъат асари ҳисобланиб, мақbara ёдгорлиги XVI асрнинг охири XVII аср бошларида бунёд этилган, унинг шакли Темурйилар даврида ясалган тош обидаларни эслатади. Бу йирик бирикма (204×84 см.) икки поғонали тагламага ўрнатилган бўлиб, усти ясси, ҳашамли ва серқирра. Обиданинг узун қирралари бўйлаб учта квадратли безак ўрнатилган [13:6-9].

У ён томондаи чуқур ўйилиб, жуда нозик, ўйма нақшлардан олинган турли хил геометрик нақшлар билан безатилган, уларнинг элементлари бир бирига аниқ туташтирилган ҳолда обида жойидаги таглик тахтага ёпиширилган. Гурухлар асосан олти нурли тўрсимон негизда ясалган бўлиб, безак сиртига чирой бериб турибди. Сағананинг бош ва оёқ томонлари ҳам нақшинкор безатилган. Олти қатор шарафа алоҳида-алоҳида қоқилган маълум шакли ёғоч косачалардан ясалган, уларнинг юкоридаги уч қаторида кунгра, пастдагисида эса себарга шакл берилган. Косачалар қаватма-қават терилганлиги учун шарафа олд томонга бир оз чикиб туради. Охирги тахтаси ингичка занжирлар билан ҳошияланган [14:54].

Хонақоҳ марказий тўрт томонлама худуддан иборат бўлиб, унда тўртта устун уч томондан айвон билан ўралган. XVIII аср масжида

тўртбурчак ( $9,78 \times 977$  м), синчли, деворлари лойшувоқ қилинган. Унинг ҳар томонидаги (8,2 м, тўртбурчак) хонақоҳнинг ясси токи териб ёпилган [15:92]. Обиданинг шакл жиҳатдан ажил нозиклиги, кучли композицияси кишида кучли таъсурот қолдиради. Совет даврида динга бўлган тазиик туфайли 1940 йилларда бино бузиб ташланган. Ҳозирда Башир ота қабристони жойлашган тепаликнинг пастки кисмида чашма ёнида янги масжид курилган. Шу ердаги Жунайдулло Исломшайх ўғли Ҳозик томонидан 1842-1843 йил курилган чиллахона (фор) ҳам мавжуд [12:29]. Ҳазрати Баширенинг ён томонида икки фарзанди ва бир хизматкорининг қабри бор. Қабрнинг дала кисмида 1450 йилга тегишли мўғул подшоси Сайид Жамолиддин қаброши топилган [16:81-92].

Бу зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ҳазрати Башир аслида Мирзо Улугбек замонида яшаган. У расадхонанинг қуий қисми «Пойн расад»ни қуриб, 7-8 йил Шайх Ҳазрати Сулгон Саид Аҳмад химоясида иш олиб борган [12:28-29]. Улугбек вафотидан кейин шогирди Али Қушчи расадхонадаги китоблар ва секстантини Башир қишлоғидаги Ниёзтепага жойлаштирган. Ҳатто маҳаллий аҳоли мазкур китоблар сақланган сандиқ тоғдаги тошга айланганини ва унинг кўриниши тоғ тошида акс этганини ҳам таъкидлайди. Воҳада маҳаллий аҳоли орасида мақbara ёнида Ҳазрати Башир ҳассасидан кўкарган арча ва у киши яратган пистазор ҳам бор [9].

Ҳазрати Башир ота эккан писталар ҳозиргача (жуда катта дарахтлар бўлиб) ҳосил қиласди. Писта дарахтларининг сони 200 дан ортиқ. Ҳозирда Ҳазрати Башир қабри жойлашган тепалик остидан шифобахш сув чиқиб туради. Бир тегирмон сув (тошнинг остидан чиқиб) Ҳазрати Башир қишилоғини сув билан таъминлайди. Зиёратчилар шу сувдан ичадилар, уйларига олиб кетишади. Ҳазрати Башир ота қабри қўйилган тепалик тагида 30-40 киши сиғадиган фор бор. Бу фор одам яшashi учун жуда қулай ва мустаҳкам қилиб ковланган [10:25-26].

“Фори Санги” “фори Ҳоки”дан чамаси 800 метрлар юқорида экан. Ҳар иккала форда ҳам Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир ота 18-20 ёшгача яшаган экан. Фори Сангидан 20 метрлар чамаси баландликда шаршара бўлиб, булоқдан сув оқиб турган. У ердаги маизара, ёввойи арча,

заранг, шилви, иркак дарахтлари кишини хайратга солади. Олдинлари ушбу сув «Нур кўх» баланд тоғидан ҳовузга оқиб, атрофдаги боғларга тарқалган. 20 метр юқоридан кўпикланиб, шиддат билан оқиб тушаётган сувни маҳаллий аҳоли «Хўжа неъмати» деб аташар экан. Сувнинг бир кўзи шу ердан чиқса, бир кўзи Муғул қишлоғидан 4 километр чамаси шимоли-шарқдаги Хўжа Нематуллоҳ зиёратгоҳидан чиқар экан. Маҳаллий аҳоли бу сувни Хўжа Нематуллоҳ кароматлари билан чиқган, деб айтишади.

### **ХУЛОСА**

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикада туризмни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тарихий ва маданий ёдгорликлар, тасаввуф вакиллари номи билан боғлиқ зиёратгоҳларга хорижий ва маҳаллий зиёратчиларнинг келиб кетиш оқими кучайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 марта “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қарорда кўзда тутилган Варганза, Ҳазрати Башир, Фелон, Сувтушар қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглиқ станцияси, “Сийпантosh” ёдгорлиги ва унинг атрофидаги туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суратга олинди [17].

Умуман, Қашқадарё воҳасида тарихий минг йилликлар давомида юз берган сиёсий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар ҳудудда илм-фан ва маданиятнинг юксалишига сабаб бўлган. Воҳа ҳудудида жойлашган олим, авлиё, пир, саид, хўжа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўллагига айланган. Бу ерга ташриф буюрган зиёратчилар нафақат табарруқ зотларга бўлган хурматни, балки ислом маданиятига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, уларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўладилар.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Доминик Сурдель. Ислам. Перевод с французского. – Москва, 2004.
2. Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. 2001. № 2. - С. 128-131.
3. Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана: дисс. ... канд. фил. наук. – Ташкент: Институт философии и права, 1966.
4. Ислом энциклопедияси. Ташкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрёти, 2017.
5. Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: F. Фуломномидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017.
6. Чориев А.Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби.- Тошкент: Шарқ, 1996.
7. Бердиев А. Китоб (Туристический достопримечательности Китаба) Кашқадаръи. – Китоб, 2019.
8. Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани Муғул қишлоғи. 2024 йил 8 июнь.
9. Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 9 июнь.
10. Чориев А. Ҳазрати Башир тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022.
11. Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир маноқиби. – Тошкент: Шарқ, 1996.
12. Пармонов О.,Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1996.
13. Маданий мерос агентлиги архиви. КД-7086 фонд, Л-рўйхат, 11-иш, 6-9 вараклар.
14. Манъковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари Йўл кўрсаткич. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.
15. Назилов Д.А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1984.
16. Маданий мерос агентлиги архиви. КД-9712 фонд, З-рўйхат, 34-иш, 81-92 вараклар.
17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалари тўғрисидаги маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шахри, 2021 йил 19 марта.